



“БЕТОНКА”ДАГИ

АЁЛЛАР

Самарқанд тумани Янгиарик маҳалласи ҳудудида жойлашган айлашма йўли, маъна 10 йилдирки, ўз-ўзидан қишлоқ меҳнат бозорига айланган. Бу ер халқ орасида “Мардикор бозори” деб аталади. Ҳар кун тонг саҳардан бу ерга шошган юзлаб аёллар арзимаган маош эвазига турли, баъзида оғир меҳнатни бажаришга тайёр бўлиб келади. Аёллар деб ўтирмаган муштилар турли меҳнат – гишт ташиниш, уй тозалаш, идиш-товуқ ювиш, кўпинча қишлоқ хўжалиги ишларига ётланади.

(Давоми 3-саҳифада)



МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ВИРТУАЛ ТАРҒИБОТИ

Глоблалашув шароитида миллий ғояга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Зеро, миллий ғоя миллатни бирлаштириб турувчи яқдил куч ҳисобланади. Бугунги дунё сиёсий-ижтимоий манзарасида турли тарғибот ва ташвиқот ишлари жадал олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин.

Аслини олганда, тарғибот бирон бир ғоя, манфаатдор шахс ёхуд қонунчилиқнинг салбий ёки ижобий томонларини кўрсатиш учун ишлатилади. Биз бугунги глоблалашув даврида ёшларни турли ёт оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун ўз миллий ғоямиз тарғиботини самарали усулда олиб боришимиз лозим. Зеро, миллий ғоя тарғиботи бугунги кунда ниҳоятда зарурдир.

Тарғибот тушунчаси кенг қамровли ҳисобланади. Унинг ишончлилиги, манбаси, хабарда чуқурлашув даражасига қўра бир неча турларга бўлиш мумкин. Шу ўринда, тарғиботнинг ишончли эканини унинг оқибатлари ва натижалари таҳлил қилинганда, билиш мумкин. Тарғибот ва унинг ташувчиси бўлган алоқа турига қараб фарқ қилади. Масалан, оммавий ахборот воситалари икки томонлама ўрганишлардан кейин тарғиботга оид манбани ахборот фойдаланувчиларига тақдим этади.

(Давоми 7-саҳифада)

ЎҚИГАН ҚИЗ

ШАҲАР ОЛИБ БЕРМАЙДИ, БИРОҚ...

Раҳима аяни маҳаллада ҳамма яхши танийди, номини ҳурмат билан тилга олади. Ая оддий ўзбек аёли. У бирор оламшумул кашфиёт қилгани ё қаҳрамонлик қилгани йўқ. Фақат уч қизни оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. Ўша замонларда қиз болани ўқитиш уят деб ҳисоблаган қишлоқдошларнинг таъналарига эътибор қилмай, уч қизини шаҳарда ўқитди. Қавм-қариндош, қайинбўйинлари билан талашиб-тортишиб, баъзилари билан юзқўрмас бўлиб кетишгача бориб, қиз бола ҳам илм олишга, олий маълумотли бўлишга ҳаққи бор деган қарашни шакллантирди. Ёлғиз келинини ҳам ўқитиб, невараларини ўзи боқди. Ўқиган қизнинг нафақат оиласига, балки жамиятга ҳам фойдаси тегишини исботлади. Бугун унинг қизларига ҳамма ҳавас қилади, қизларим, набираларим шуларга ўхшасин дейди.

Раҳима аянинг турмуш ўртоғи қирқ тўрт ёшида беҳосдан оламдан ўтиб қолди ва у тўрт фарзанди билан бева қолди. Соппа-соғ юрган одамнинг бир кечада бошим оғрияпти деганча бошини кўтаролмай қолгани унга армон бўлди, бу яқин атрофда

бирор духтир ёки касалхона бўлмагани, эрига биринчи ёрдам кўрсатилмагани туфайли қирқ ёшида чирқираб қолаверди. Балки шунинг таъсирими, тўнғичи Наргизани духтирликка ўқитаман дея бел боғлади. Отаси вафот этгач, қаттиққўл амакилари қизларни совчи келиши билан узатиб юбормоқчи бўлишди. Шунда бор кучи билан қаршилиқ қилган онаизор қўшни қишлоққа акалариникига кўчиб кетиб яшашгача борди, аммо шаштидан қайтмади. Қаршилиқларга қарамай аянинг уч қизи: Наргиза, Раъно ва Нилуфар бирин-кетин талаба бўлди. Катта қизи Наргиза мактабни олтин медалга битириб, Самарқанд тиббиёт институтига имтиҳонсиз қабул қилинди. Ая кундузи касалхонада санитар бўлиб ишлаб, кечаси чопон тикиб сотиб қизларининг йўлқираси, еб-ичишини амаллаб турди. У қийинчиликлар ҳам ортда қолди. Ҳозир қизларнинг бири қўли енгил шифокор, бошқаси инглиз тили ўқитувчиси, кенжаси докторантурада ўқияпти. Бир пайтлар она-болаларни қоралаган, давраларга қўшмай қўйган, ўқиган қизларни энди эр олармиди деган



лар тилини тишлаб қолди. Айниқса, шифокор қизи Наргизага иши тушмаган, эшигини тақиллатиб борманган қишлоқдоши бўлмаса керак, барининг дуосини олади. Энг муҳими, қиз бола ҳам ўқиши керак экан деган қараш пайдо бўлди. Гапирганларнинг ўзи ҳозир набираларини Раъно муаллимга инглиз тилини ўрганишга беришяпти, қишлоқда ўқиган қизларнинг сони йилдан йилга ошиб борапти...

Бизда қиз болага олий маълумот керакми, қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди, шунча ўқитгани билан узатиб юборсанг роҳатини бошқалар кўради деган қараш ҳалиям учраб туради. Юртимизда шундай туманлар борки, бутун бошли мактабдан битирувчилар орасида талайгина қизлар олий ўқув юртига кириш у ёқда турсин, ҳатто ҳужжат топширмаган бўлади. Битирувчи синф қизларининг кўпчилиги ал-

лақачон унаштирилган ва тезроқ мактабни битириб узатилиши ҳақида ўйлайди. Афсуски, келажакда, олий маълумот олиб ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, севган касби бўлишини орзу ҳам қилмайди. Ҳаёт фақат ялтир-юлтур сарполар билан узатилиш, тилло-ю тангаларга ботиб тўйма-тўй, маросимма-маросим тоғора кўтариб юришдан иборатдек гўё. Эрта узатилаётган ўша қизларнинг оналаридан бирига нега бунча эрта узатаёпсиз, қўлида ҳунари йўқ, бирор касбнинг бошини тутмаган, эртага ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, ҳеч бўлмаганда ўқиса болаларини саводли қилиб тарбиялайди-ку десам, ўқитишга пулимиз йўқ дейди. Лекин қизи учун йиққан сарпо-ю тилла тақинчоқлар, олди-бердиларини ҳисобласангиз, бир эмас уч-тўртта қизни ўқитишга етадиган пул сафрланган. Ҳайрон қолсан, бу латта-путталарни қачонгача қияди, ётиб ейишга тоғ ҳам чидамайди-ку ёки бир умр унинг таъминотини бўйнингизга оласизми? Ваҳоланки, онанинг ўзи бир йилда бир шифокор кўригига бормайди, саломатлигига етарлича эътибор бермайди. Бирор марта туман олиб бир жойга саёҳат қилгани йўқ, аммо қизи, куёви, қанда-андаси учун бор-будини сарфлайди. Майли, лекин шу қизлар ҳаётга, оила қуришга, она бўлишга ҳар томонлама тайёр деб ўйлайсизми? Афсуски йўқ!

(Давоми 5-саҳифада)

Агар доимо хушёр ва огох, қатъиятли бўлиб иш кўрмасак, юртимиз, хонадонларимиз тинчлиги ва осойишталиги, фарзандларимиз келажаги осонгина хавф остида қолиши ҳеч гап эмас.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ҳеч кимга сир эмас, дунёда энг қимматли, азиз ва бебаҳо неъмат, бу — тинчлик неъматидир.

Тарихдан ҳаммамизга аёнки, ҳар бир давлат миллатига, фуқароларига, ўз маданий бойликларига, урф-одату, анъаналарига катта ҳурмат билан қараган, уни кўз қорачигидек асрайди. XXI асрга келиб эса, дунёдаги вазият тубдан ўзгарди, нотинчликлар ортиб борди.

Бугунги мураккаб замоннинг ўзи воқеликка очиқ кўз билан, теран ва чуқур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Тинчлик халқларнинг энг эзгу орзуси. Яратгандан сўраган энг керакли тилагидир. Лекин бир нарса ни унутмаслик керак: кўриб турибмиз, дунёнинг ҳамма ерига ҳам бу улуғ неъмат бирдек насиб этмаган. Демак, бу неъматнинг шукрини қилишимиз, кадрига етишимиз зарур.

Айнан мустақиллик даврида юртимиз бутун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислохотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, айтиш мумкинки, ҳавасини ўзига тортмоқда. Юртимизда тинчлик-осойишталик, кўп миллатли бағрикенг халқимиз тинч-хотиржам турмуш кечирмоқда.

Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлаш, одамларнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида “Инсон қадри учун”, “Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ислон сўзининг ўзаги тинчлик маъносидадир. Динимизда кишиларни яхшиликка даъват қилиб, ёмонликдан қайтарувчи далил-ҳужжатлар жуда кўп. Хусусан, Аллоҳ “Нисо” сурасининг 93-оятда “Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак”-деб, “Бақара” сурасининг 205-оятда эса, “Аллоҳ бузғунчилик (фасод)ни севмайди”-деб марҳамат қилган.

Ҳақиқий мўмин-мусулмон бу ҳақиқатнинг моҳиятини яхши биледи ва ҳеч қачон ноҳақ қон тўкмайди.

Бизга маълумки, илм йўқ жойда тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Ашраф Шамшиев (исми-шарифи ўзгартирилган) ҳам айнан илмсизлик натижасида йўлдан адашди.

Ҳозирги кунда интернет ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаб улгурди. Бу яхши, албатта. Аммо у билан бирга ҳаётимизга “интернет-



га асирлик ёки боғланиб қолиш” тушунчаси ҳам кириб келди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда бу ҳол катта ижтимоий муаммога айланган. Маълумки, янги технологиялардан фойдаланувчиларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Айримлари виртуал олам ичига шу даражада шўнғиб кетишдики, натижада реал воқеликдан виртуал оламни афзал кўра бошлашди. Бундай одамларда интернетдан узилиш улкан хавотир ва асабий ҳолатни келтириб чиқаради.

Айрим ёшларимизнинг ижтимоий тармоқ саҳифаларида турли мақсадлар билан кечаю-кундуз кезишлари, бир оз ёши кичикроқларнинг эса на ўзига, на ўзгага бир фойдаси тегадиган, тарбияга салбий таъсир этувчи ҳар хил ўйинлар билан вақт ўтказиши ҳақида бугун кўп гапирилмоқда.

Дин ниқоби остида фаолият олиб борувчи ташкилотлар, оқимлар эса аҳолининг ислон динига бўлган қизиқишидан фойдаланиб, диний мутаассиблик руҳидаги маълумотларни тарқатиш билан шуғулланмоқдалар.

Ашраф ҳам ўрта мактабни тамомлагач, тенгқурлари қатори ўқишни давом эттиришга, ўрта-махсус ёки олий таълим олишга қизиқмади. Тезроқ осон пул топиш илинжида чет давлатларга ишга кетди. Турли қурилиш ишларида ишлаб, айнан илмсизлик оқибатида “Телеграмм” мессенджеридан фойдаланиб, унда жойлаштирилган “хижрат” ва “жиход”га чорловчи фикр ва маърузаларини тинглаб, Ўзбекистон Республикасида экстремистик ташкилот деб топилган террорчилик ташкилоти сафига кўшилади ва “жиход” қилиш мақсадида Су-

рия Араб Республикасига боришни режа қилади.

Ўз режага асосан, “Telegram” мессенжери орқали Сурия Араб Республикасида фаолият олиб бораётган террорчилик ташкилотлари тарафдорларидан бўлган шахс билан танишиб, унинг таклифи ва ёр-

муддати, яъни ЖКнинг 59-моддаси тартибда, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Айнан тинчлик-осойишталик ҳукм сурган жойда, юксалиш ва тараккиёт бўлади, юрт гуллаб-яшнайдими, фуқароларнинг турмуши фаровонлашади. Шу сабабли ҳар биримиз тинчлик-осойишталикка ўз-ўзидан эришиб бўлмастлигини тўғри англашимиз, бу ютуқлар ўз-ўзидан яратилмагани, халқимиз сабр-бардош,

ИЛМСИЗЛИК ЕТАКЛАГАН ЙЎЛ

дами билан Россия Федерациясидан Туркия Республикасига етиб бориб, Туркия-Сурия чегара чизигидан ўтмоқчи бўлганида, чегара хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди ва вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилади.

Бирок, Ашраф Шамшиев қамоқда сақланган вақтида ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариш ва ўз ҳаракатлари қандай оқибатга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етмайди, аксинча ўз “мақсади”ни амалга ошириш ҳақида бош қотиради. Қамоқдан чиққанидан кейин ҳам террорчилик ташкилотида иштирок этиш учун Сурия Араб Республикасига ўтишни режа қилиб, иккинчи бор чегарадан ўтишга ҳаракат қилган вақтида, чегара хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.

Халқимизда, “Саёк юрсанг, таёк ейсан” – деган мақол бежизга айтилмаган. Кимки, ушбу нақлга амал қилмас экан, қонун бузилишига ҳамда жиноят содир этиб, қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Ашраф Шамшиевга оид жиноят иши очиқ суд мажлисида кўриб чиқилиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни текширилиб, тўпланган далиллар тегишли тартибда баҳолашиб, А.Шамшиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1552-моддаси 1-қисми ва 25,2442-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли топилди ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳокама қилиниб, жумладан унинг ижобий тавсифлангани, кафолат хатлари ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосномалар эътиборга олиниб, қонун санкцияларида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам

ишонч, ҳамжихат-ҳамфикрликда яшаш, тинчлик-осойишталикни асраш, бағрикенглик, меҳр-оқибат кўрсатиш орқали эришилганини ёш авлодга тушунтиришимиз лозим. Бугунги мураккаб шароитда тинчликни асраш учун огохлик, сезгирлик, хушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳимлигини ҳаммамиз тўлиқ тушуниб етишимиз даркор.

Тинчлик ва осойишталикни доимий сақламоқ учун эса шу юртнинг ҳар бир фарзанди Ватан тинчлиги ва тараккиётини маълум бир соҳа вакиллари билан вазифаси деб қарамасдан, балки менинг бурчим, менинг ор-номусим деб билиб, бирлик ва ҳамжихатликда ҳаракат қилмоқликлари ва фидойилик кўрсатмоқлари лозим.

Кўпни кўрган, қанчадан-қанча синов ва қийинчиликларни бошидан ўтгазган, ҳаётнинг барча оғирликларига бардош бериб, йўлидан адашмаган халқимизни ўз олдида буюк вазифа қилиб қўйган “Янги Ўзбекистон”ни барпо этишдек мақсаддан ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтара олмайди.

Зеро, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек: “Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади”.

Шахзод БАХТИЁРОВ,
Қашқадарё вилоят суди
жиноят ишлари бўйича судьяси

“БЕТОНКА”ДАГИ АЁЛЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ирода эрта турмушга чиқди ва қачондир туғилиб ўсган кишлоғини тарк этиб, мардикорлик қилиб пул топишга мажбур бўлишини сира ўйламаган эди. У ҳар куни эрталаб орзусини рўёбга чиқариш – уй сотиб олиш мақсадида “Мардикор бозори”га боради. 38 ёшли аёл қўшни Қашқадарё вилоятидан келган. Эри уни уйдан ҳайдаб юборгани учун сарсон-саргардон.

– Ажрашишимизга уч ойлик ўғлимнинг ўлими сабаб бўлди, – дейди Ирода. – Ўғлимдан жудо бўлганим етмагандек, эрим ҳам бошқасини топиб, мени уйдан ҳайдаб чиқарди. Ундан оилани бузмаслигини айтиб ёлворишим бефойда бўлди. Ота-онамнинг уйига қайтишдан бошқа чорам қолмади. Танишлардан “Мардикор бозори”да пул ишлашни ўргандим.

Аёллар қандай шароитда яшайди?

Бу ерга келган кўпчилик аёллар йўл кира сарфламаслик учун “Мардикор бозори” атрофидаги хоналарни ижарага олишган. Хона ижараси нархи ҳам минимал – бир кунда киши бошига 10 минг сўм.

Ирода ҳам кўп қаватли уйда битта хонани ижарага олган. У билан яна тўрт аёл туради. Ёз кунлари бу ерга яна олтига аёл жойлашади. Мавсумда бир хонада турувчилар ўн кишигача етади.

Тўғриси, қиш бўйи қўлбола печка билан исинган аёлларнинг яшаш шароити мени ҳайратга солди.

“Янги”ларга осонмас

Ироданинг сўзларига кўра, “Мардикор бозори”да ўзини “бригадир” деб ҳисоблайдиган, жанжал чиқарадиган, “янги”ларга пул топишда тўсқинлик қилаётганлар бор. “Янги”лар бозорга мустақил равишда иш қидириш учун келган аёллар. Уларга мослашув жараёни осон кечмайди.

Кунбай меҳнат – арзон ишчи кучи

Бозорнинг доимий “харидор”и Умида Холмуродованинг айтишича, бу ерда аёллар эркакларга қараганда виждонлироқ.

Аёллар таклиф қилинган ишни синчковлик ва кунт билан бажаради. Шу билан бирга арзимаган даромадга қаноатланади. Эркаклар ҳар доим ҳам таклиф қилинган шартларга рози бўлавермайди.

Аёллар меҳнати учун кунига 100 минг сўмдан 150 минг сўмгача ҳақ олишади. “Кунбай”чи аёлларнинг айтишича, иш чиққан пайтлари улардан бахтли инсон йўқ, чунки бундай омад ҳар куни ҳам кулиб боқавермайди.

Ҳимоясиз

Яна шуниси ҳам борки, “кунбай” иш хатарли бўлиши мумкин. Аёллар эрталаб бозорга йўл олар экан, кун уларга нима тайёрлаганини билишмайди.

– Ҳар куни ишга отланаётиб, бугун насибам қаерга бошлар экан, қандай одамлар билан мулоқот қилишга тўғри келар экан, деб ўйлайман, – дейди Ирода. – Хавотир бўлади, албатта. Ҳар хил одамлар бор.

Бир куни ёш йигитлар келиб, мен ва бир қизни уй тозалаш учун олиб кетишди. Шеригимга ҳаммомни ювиш буюрилди, мен бошқа хоналарни тозаладим. Бир маҳал қиздан хабар олмоқчи бўлиб қарасам, иккита йигит ҳаммомга кириб, қиз билан ниманидир гаплашяпти. Қиз қўрқувда. Мен баланд овозда шеригимга гап қотдим: “Шунча вақт у ерда нима қилипсан, ишни бажаришга 15 дақиқа етарли-ку. “Нима қилай, йигитлар ишлагани қўйма-япти”, дея жавоб берди қиз. Улардан бири эса менга норози оҳангда аралашмаслигимни айтди. Гарчи, ўзимга ҳам кўрқинчли бўлса-да, мен шеригимни ҳимоя қилишим кераклигини тушундим. Жанжал бошланди, йигитлардан бири менга қўл кўтариб, итариб уйдан ҳайдаб чиқарди. Профилактика инспекторини чақиришга тўғри келди.

Ҳукумат муаммони қандай ҳал қилмоқда?

Тошкентда мардикор хотин-қизлар учун кундалик меҳнат маркази бор. Самарқандда эса бир неча йил аввал бу масала кўтарилган бўлса-да, ечими хануз топилмади. Тўғри, аёллар тўпланадиган жойларда ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари туришибди, лекин ишчи аёл қаерга олиб кетилиши, унга қандай муносабатда бўлишини ҳеч ким билмайди.

Айтиш жоизки, ўтган йили Самарқандда ҳам иккита марказ очилди – бири Тойлоқ туманида, иккинчиси Самарқанднинг С.Айний

кўчасида. Бу ерга одамлар мардикор ёллаш учун келишади. Ушбу “бозор”да аёллар йўқ. Улар, юқорида айтганимиздек, Самарқанд туманининг Янгиариқ маҳалласи ҳудудида жойлашган айланма йўлда тўпланишади.

Марказ бор, тартиб-қонда йўқ

Ташвишланарлиси, кунлик меҳнат бозори мавжуд жойларда ҳар доим жанжал ва можаро рўй беради. Ҳатто ана шундай кунлик меҳнат марказлари биносида ҳам мардикорлар ўз қондасини ўрнатган. Ҳеч қандай тартиб йўқ. Маълум навбат бўлмаганидан “ишга бориш” илинжида одамлар бақир-чақир қилган ҳолда ўз хизматини таклиф қилиб, ишчи излаб келган машина устига ёппасига ташланади.

Ягона фарқ – бино, ётоқхона ва ошхона мавжудлиги. Аммо улар ҳам маблағ муаммоси туфайли фаолиятини бошламаган. Бошқақай айтганда, тартиб-интизом посбонлари шунчаки, марказий кўчадан гавжумликни “йўқ” қилиш учун бино ҳудудига одамларни “тиқиб” ташлаган.

Кунбай меҳнат устуворлиги

Баҳорнинг илиқ кунларида бандлик маркази эълон қилган бўш иш ўринлари рўйхатига қарамай, “мардикор-бозор” кунлик даромад топиб, рўзғор тебратиш илинжида келган одамлар билан гавжум. Уларни арзимаган иш ҳақи қониқтирмайди. Улар учун ўз иш тартибини белгилаш ва меҳнати учун белгиланган тўловни талаб қилиш фойдалироқ.

– Иш стажим кетиши, қарилгим таъминлансин, деб бир неча бор ишга жойлашишга ҳаракат қилиб кўрдим, лекин иш берувчи билан ҳар доим ҳам яхши муносабат ўрнатиб бўлмайди, – дейди Ирода. – Мен учун боғланмаган ҳолда бир кунлик иш анча фойдали. Менинг ўз мижозларим бор. Улар кўнғироқ қилиб ишга чақиришади.

Кўриб турганингиздек, бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тақдим этилган бўш иш ўринлари рўйхатига қарамасдан, одамлар кунлик иш топишни афзал кўради. Маош камлиги ва иш тартиби уларни қониқтирмайди. Кунбай меҳнат бозорида кўпайиб бораётган одамлар оқимини камайтириш мақсадида йил бошида “Mening ishim” онлайн иловаси ишга туширилди. У кунлик, мавсумий ва яқка тартибдаги ишчилар, жумладан, ёшлар, талаба ва ногиронлар учун иш таклифларини нашр этади.

– Меҳнатчиларимизга қулайлик яратиш мақсадида платформани ишга туширдик ва барчани онлайн платформа маълумотлар базасига киритдик. Унинг ёрдамида иш берувчи ўзига хоҳлаган тоифани танлаб, мутахассис ёки уста топиши мумкин, – дейди Самарқанд кунлик меҳнат маркази директори Жамшид Саломов. – Ҳозирда онлайн платформада 400 дан ортиқ ишчилар бор. Афсуски, шаҳримизда мардикор аёллар учун кунлик меҳнат маркази бўлмагани сабаб, бу ерда аёллар резюмелари деярли йўқ. Эҳтимол, унинг пайдо бўлиши аёлларнинг иш қидиришда мавжумлик сари кетмаслиги учун замин яратарди.

Замира БОЛТАЕВА.

Ҳар кунимиз

Наврӯз бўлсин

Баҳорий янгилашиш дамларида кўши тафти табиатни уйғотади. Дов-дарахтларда бўртиб қолган куртаклар очилиб, қийгос гулга киради, борлиқ жонлана бошлайди. Замин ҳароратидан гиёҳлар тирқираб унади, қир-адирлар ям-яшил майса билан қопланди. Буюк аждодимиз Махмуд Қошғарий таъбири билан айтганда, «қурт-қумурсқа уйғонади». Бу уйғониш юракларга зайрат-шижот бахш этади.

Наврӯз байрамида маҳалла, хонадонларни озода-саришта қилиб тозалаш, яқин кишилар билан дийдорлашиш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш, хайрия тадбири уюштириш каби одат-лар халқ орасида кенг тарқалган. Бугунги кунда эса бу анъаналар янгича кўринишларда давом этапти.

Наврӯз ҳалолликка, покликка ундовчи айём. Бу пайтда табиатнинг бетакрор манзаралари ва мўъжизалари кўз ўнгингизда содир бўлади. Наврӯз руҳни тозалайди, одамни эзгуликка ундайди. Борлиқнинг янгилашиши, яшариши инсонни меҳнат қилиб, ризқ-рўз яратишга даъват қилади.

Болалигимда қишлоғимизда ўтказилган Наврӯз сайиллари сира ёдимдан чикмайди. Уйда егулик бўлмаса, онамиз яхши ният қилиб пиёлага сув қуярди. Қизлар янги либос киярди, топмагани жимжилок бармоғига ип тақиб чиқарди. Толпоқдан сочига жамалак қиларди. Албатта, сумалак сайлисиз Наврӯзни тасаввур этиб бўлмайди. Қишдан ҳориб чиққан киши сумалакдан тўйиб-тўйиб эса, барча дарддан фориғ бўлади. Бу тиббиётда ҳам тасдиқланган. Сумалак пишираётган қўни-қўшнилар кечаси билан қозон қавлаб, чилдирма чалиб, ялла айтиб, рақсга тушарди. Кейин ёшларни чақириб, ниятинг амалга ошсин, дея қозон қавлатиб, тош ташлаттиришган. Қишлоқ аҳли Наврӯзни нишонлаш учун катта адирликка чиқарди. Ҳамма топганини олиб борарди. Бир томонда кураш, аркон тортиш, қўл кучини синаш, югуриш, тош кўтариш ва бошқа турли халқ ўйинлари бўларди.

Марказдаги сайилгоҳда ошпаз ва қандолатчилар турли тансиқ таом ва ширинлик пиширарди, санъаткорлар қўшиқ айтган, полвонлар ку-

раш тушган, дорбозлар аркон устида эпчиллигини кўрсатарди. Беруний бобомиз ёзган: «Бу кун — фаришталар кадрлайдиган кундир, чунки шу кун фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар ҳам кадрлайди, чунки шу кун куёш яратилган. Бу кунни шохлар ҳам кадрлайдилар, чунки бу — йилнинг боши, биринчи кундир».

Наврӯз кун барча касб-хунар эгалари ўз устозларидан, табаррук кексалардан оқ фотиҳа оладилар.

– Худудимизда турли миллат вакиллари истиқомат қилади, – дейди Самарқанд туман, Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мизроб Салимов – Бу файзли кунларда барча маҳалла оқсоқоллари, фаоллари томонидан ёлғиз кексаларга, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиляпти. Тадбиркорларнинг хайру саховати билан ҳар бир маҳаллада сумалак, ҳалим пиширилиб, аҳолига тарқатиляпти. Беморлар ҳолидан хабар олиняпти, уларга Наврӯз таомлари, совға-саломлар улашиляпти. Наврӯз байрамиди халқ сайиллари, ўйинларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёш-яланглар қўллариди баҳорнинг анвойи гуллари, шодон давраларда алёру бешқарсақ, айтишувлар авжланади. Бу айём ўзбек халқининг бағрикенглик, инсонпарварлик, миллатлараро аҳиллик каби фазилатларини намоён этади. Наврӯз эзгулик ва абадият байрами бўлиб қолаверади.

Албатта, ўтган йилларда коронавирус туфайли дунёда жуда кўп нарсалар ўзгарди. Лекин халқимизнинг она табиатга, муқаддас заминга муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб ҳислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топмоқда. Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тимсоли бўлган Наврӯзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда. Бу йилги Наврӯзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг кут-

луғ 33-йиллик байрами тадбирлари ўтадиган йилга тўғри келмоқда. Наврӯз – чинакам халқ байрами, миллий ўзлгимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

Минг йиллар олдин ота-бобола-римиз бу улуг айёмни қандай пок ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврӯзга пешвоз чиқмоқда. Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва кўчаларда Наврӯзнинг дилбар тароналари – Янги кун наволари янграмоқда. Қир-адирларда мард ўғлонларимиз кўпкари чопиб, кураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгулар қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини ўзаро баҳам кўрмоқдалар. Шундай шукуҳли ва бетакрор дамларда барчамиз тинч ва осойишта ҳаёт ҳамда хотиржамлик қадрини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз. Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор дехкон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл олмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободехқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қутлаймиз. Ушбу қутлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризқу насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз.

Наврӯзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир. Бутун олам, еру қўқ уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга бекиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда. Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўнлаб замонавий кўркем боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси

тобора чирой очиб, жонажон диёри-миз янада обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Зеро, Наврӯзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуглаш, унинг қадри, иззат-хурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар муҳимдир. Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-хунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, турар жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва қўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бу борадаги ишларимиз “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да мазмун жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Наврӯз – инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўсту биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъзозлашга чорлайдиган улуг байрамдир.

Ушбу қутлуғ айёмда турли низо ва адоватлар, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди. Ана шундай бекиёс фазилатлари туфайли Наврӯз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Наврӯз юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оиладек бирлаштирадиган гўзал байрамга айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкilotи томонидан 21 март – Халқаро Наврӯз кун деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатида киритилган. Ушбу сананинг жаҳон миқёсида кенг нишонланиши унинг халқаро нуфузи ва аҳамияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Ботир МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ЎҚИГАН ҚИЗ

ШАҲАР ОЛИБ БЕРМАЙДИ, БИРОҚ...

(Боши 1-саҳифада)

Шундай миждларимиз билан ишлаш жараёнида кўпроқ ўзини ривожлантириши, ёқтирган машғулоти билан шуғулланиши, қайсидир хунарни ўрганиши учун имкон бериб, шу билан бирга янги дўст, уни тинглайдиган янги даврага яқинлаштирамиз ва натижа тезда яхши томонга ўзгаради. Қизимизда ўзига ишонч, ҳаётга қизиқиш пайдо бўлади ва яширин қобилиятлари очилиб, кўзлари порлай бошлайди. Юзига кизиллик югуради. Ота-оналарга маслаҳатим: қизларингизни ўқитиб бир касбнинг эгаси бўлишини таъминланг, тўғри, ҳамма ҳам яхши ўқишга қобилиятли бўлмаслиги мумкин, лекин хунар ўргатишингиз мумкин-ку? Тикувчиликми, дизайнерликми, ошпазликми ёки яна қанча хунарлар бор. Қизингизнинг пулга эҳтиёжи бўлмас, лекин ҳеч бўлмаса ўзи яхши кўрган машғулоти, ўзи учун қизиқ бўлган мавзуси бўлади. Эртага бундай аёллар турмуш ўртоғи учун ҳам қизиқарли аёл, фарзандлари учун қизиқарли она бўлади.

Бир неча йил олдин бир зиёли она хузуримга келди. «Ўғлимни бир амаллаб битта қиздан совутишим керак, у қиз бозорда савдо қилади, ўғлимга мос эмас» деди. Чунки ўғли нуфузли университетда ўқиган, магистратурани хорижда ўқиб келган, интеллекти баланд, келажоги порлоқ мутахассис. Қиз эса ҳеч қаерда ўқимаган, бозорда кўриб қолиб ёқтирибди. Йигитнинг оиласи ўқимишли, зиёли оила, улар учун икки хил: ўқиган ва ўқимаган одам бор. Худди яхши ва ёмон дегандек. «Опа, балки яхши қиздир, келса тарбиялаб оларсиз» десам, «гаплашиб кўрдим, тарбиялай олишимга кўзим етмайди, умуман унга бизнинг муҳит бегона» деди. Онани ҳам тушунишга ҳаракат қиламан, «Мен оиламизнинг, авлодларимизнинг келажоғини ўқимаган бир қизга ишоналмайман» дейди. Ёлғиз ўғлини ва давомчиларини фаҳм-фаросати, интеллекти баланд бўлган, ҳар томонлама мукамал қизга ишониб топширмакчи. Узоқ уринишларидан кейин она асл ҳақиқатни ўғлига уқтира олибди ва бошқа – ўзи орзу қилгандек қизга уйлантирибди. Ҳозир оиланинг икки боласи бор, бахтли ҳаёт кечиради, кейин ўғли ҳам онасига тўғри танлов учун раҳмат дебди.

2018 йилнинг бошида Жаҳон банки таълим ва гендер масалаларига бағишланган қизиқарли ҳисоботлардан бирини эълон қилди, у «Бой берилган имкониятлар: қизларни ўқитмаганлик учун тўланадиган катта товон» («Миссед Оппортуниетес: Тхе Хигх Сост оф Нот Едусатинг Гирлс») деб аталади.

Ҳисоботда қизиқарли фактлар келтирилади:

- Глобал миқёсда ҳар ўн қиз боланинг тўққиз нафари бошланғич таълим, тўртдан учтаси эса ўрта таълим (тахминан 9 йил) олади. Кам даромадли мамла-

катларда қизларнинг учдан икки қисми бошланғич мактабда ўқийди, фақат ҳар уч қиздан бири ўрта мактабнинг қуйи босқичини (тугалланмаган ўрта таълим) тугатади.

- Ўрта мактабни тугатаётган қизларнинг тайёргарлиги яхши, кўпинча бошқалардан соғлом бўлади, ҳаётда муваффақиятга эришади, болалари касалликка кам чалинади, ўлим кам хавф туғдиради, аксарияти бахтли турмуш кечиради. Бундан ташқари, ўрта маълумот олган қизларнинг катта ёшлилар сифатида меҳнат бозорига қатнашиш эҳтимоли катта, баланд ижтимоий мақомга эга бўлади, шунингдек, уй муҳитида ва жамиятда қарорлар қабул қила олади.

- Иш ҳақи ва ҳаёт даражаси: агар дунёда ҳар бир қиз ўн икки йиллик сифатли таълим олганида эди, жаҳонда аёллар умр бўйи оладиган маош ҳозирги 15 триллион АҚШ долларидан 30 триллион долларга етар эди. Бошланғич таълим олган аёллар умуман маълумоти йўқ аёлларга нисбатан 14–20 фоиз кўпроқ пул топади, ўрта маълумотлилари эса деярли икки баробар ортик маош олади.

- Эрта никоҳ ва эрта туғиш: қизларнинг умумий ўрта таълим олиши эрта никоҳга (18 ёшгача никоҳдан ўтиш) барҳам бериши мумкин ва аёлларнинг эрта туғиш хавфини (18 ёшгача биринчи фарзандли бўлиш) 75 фоиз камайтиради.

- Қарор қабул қилиш: қиз болалар учун умумий ўрта таълим оилада қарор қабул қилишга қодир аёллар улушини 10 фоиз кўпайтиришга қўмаклашиши мумкин.

- Ижтимоий капитал ва муассасалар: қизлар учун умумий ўрта таълим уларнинг ижтимоий ҳаётга аралашувини кучайтиради, ўзларига зарур бўлган ишончли дўстлар орттириш имконини беради.

- Олий таълим олган аёллар фоизининг ошиши эса мамлакатнинг иқтисодий аҳолидан тортиб яшаш тарзи, умумий саводхонлик яхшиланиши ва ривожланишга жуда катта таъсир кўрсатади.

Марказий Осиёда
аҳвол қандай?

Ушбу тадқиқот Марказий Осиёда қизларнинг таълимдан маҳрум этилишининг аниқ сабаблари ва таҳлилини қамраб олмаси-да, шу мавзудаги бошқа бир қанча тадқиқотлар қизларни таълим олишдан маҳрум этишининг ўта хавфли тамойили мавжудлигини кўрсатмоқда.

Масалан, ЮНИСЕФ ва БМТнинг Тожикистон ва Қирғизистонда ўтказган тадқиқотларига кўра қиз болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш деярли 100 фоиз (95–98 фоиз) бўлгани ҳолда ўрта мактабни 65–75 фоиз қизлар битириб чиқади, айрим узоқ қишлоқларда эса бу кўрсаткич 50 фоиздан ҳам кам.

- Аксарият эркаклар иш излаб бошқа мамлакатларга кетаётгани сабабли аҳолининг қолаётган қисми, айниқса қизлар мутлақо саводсиз, тайёрланмаган ҳолда, меҳнат бозорига ҳеч қандай кўникмасиз қолиб кетмоқда. Бу ҳам етмагандай, эрта оила қургани учун кўп фарзанд туғиб, уларни тарбиялаш ва қорнини тўйдиришга қурби етмаяпти. Бу бутун бошли авлодлар ривожланиши учун қулай шароит йўқлиги сабаб уларнинг маргиналлашуви ва қашшоқлигига олиб келмоқда.

- Масалан, БМТнинг «Таълим индекси»га (таълимнинг ўрта ва қутилаётган йилларини баҳолаш) кўра Тожикистон 187 та мамлакат орасида таълим кўрсаткичлари бўйича 133-ўринни эгаллайди, бу Мустақил давлатлар ҳамдўстиликдаги энг паст кўрсаткичдир (Қирғизистон 125-ўринда, Туркменистон 103-ўринда, Ўзбекистон 116-ўринда, Қозоғистон 70-ўринда экан).

- Ўқиш соҳасида ўғил болалар билан қизлар ўртасидаги гендер тафовути ортиб бораётгани алоҳида ташвиш уйғотади. Тожикистонда бошланғич ва ўрта таълим олиш мажбурийлигига қарамай, камбағал оилаларнинг фарзандлари, айниқса қизлар кўпинча 9 йиллик ўқишни битирмасдан бурун мактабга бормай қўяди. ЮНЕСКО маълумотларида айтилишича, тафовутлар 5-синфдан бошлаб сезила бошлайди, ўша пайтда қизларнинг тахминан 10 фоизи мактабга бормай қўяди, ўғил болаларнинг ушбу кўрсаткичи эса 2 фоизга тенг бўлади. Гарчи бу ҳар жойда ҳар хил бўлса-да, айни тафовут ўрта мактабнинг юқори босқичида (16 ёшдан бошлаб) ортиб оради, қизларнинг 48 фоизи ва ўғил болаларнинг 30 фоизи мактабга қатнамай қўяди.

Илм олиш мўмин ва
мўминага фарздор

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг қизи Одина Муҳаммад Содикнинг Ливия ва Мисрда илм олиб қай-

тган қория, устоз сифатида исломда қизларнинг илм олиши тўғрисида берган интервюсидан лавҳа:

– Қиз болалар таълими хусусида гапирадиган бўлсак, уларни албатта ўқитиш шарт. Чунки ўғил болалар каби улар ҳам Аллоҳнинг бандаси, жамиятдаги бир шахс. Улар жамиятнинг ажралмас қисми, шунинг учун ҳам таълим олишга ҳақли. Шариатда аёлларнинг ҳам бурч ва масъулияти бор. Бунинг учун улар жавобгар ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг ўрганишга, атрофдагилар билан мулоқотга киришиш учун илмга эҳтиёжи бор. Шариат – илм дини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам илк нозил бўлган ояти карима «ўқи» дейилган.

Ўз ҳаётимиздан мисол келтирадиган бўлсак, жумладан, падари бузрукворимиз Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари биз – қизларига ҳеч қачон илм олишдан кўра рўзгор ишлари билан банд бўлиш кераклигини тарғиб қилмас, ҳар нарсанинг аввалида илм туришини таъкидлар эди. Ўқимизга катта эътибор қаратиб, биздан буни қаттиқ талаб ҳам қиларди. Қачон илм билан машғулликимизни билса, хурсанд бўлар эди. Биз ҳам уни хурсанд қилишни ният қилсак, илмда яхши натижаларга эришиш орқали кўнглига йўл топардик. Отамизнинг аёллар илмига бўлган рағбатини уларга берадиган таърифидан сезар эдик. Бирор аёл учун мактов келтирмакчи бўлса, «У ўқиган, илмли аёл» дер эди. Агар қайсидир аёлдан норозилигини ифодаламакчи бўлса «Ҳа, ўқимаган-да» дер эди. У кишининг наздидаги ўлчов – ўқиш эди. Кимдир бир пора Қуръонни ўрганиб, ўзининг фарз амалларини мукамал билса, беш вақт намозини, рўза аҳкомларини ўрганиб олган бўлса, у катта неъматни қўлга киритибди дер эди. Нафақат диний, дунёвий билимларни ўрганиш ҳам аёллар учун жоизлигини айтар эди. Ўз ишининг устаси бўлган, тил билган билимли аёллар ҳақида мактов билан гапирар эди. Аллоҳни таниган инсонлар, дин қайғусида бўладиган олимлар албатта қизларини ўқитишга катта эътибор беришган.

Хулоса ўрнида

Буюк инсоннинг ортида буюк аёл туради дейишади. Дунё танийдиган инсонларни катта кашфиётларга, улуғ ишларга илҳомлантирадиган, қўллайдиган оналари бўлганини тарихдан яхши биламиз.

Имом Бухорий ҳазратларининг ёшлигида кўзи кўрмай қолганда онаси жуда қаттиқ изтиробга тушади ва йиғлаб-йиғлаб, чин дилдан худога илтижо қилиб, боласининг кўзи очилишини сўрайди. Узоқ тоат-ибодатдан сўнг тушида Иброҳим алайҳиссаломни кўради ва у киши «ўғлингнинг кўзи очилади» деган хушxabарни етказади. Она уйқудан туриб қараса ўғли яна кўра бошлайди. Отасидан эрта етим қолган Имом Бухорий ҳазратлари доимо ақлли, зукко, такводор онаси билан бирга бўлади. Ҳажга ҳам онаси ва акалари билан бирга бориб, ўша ерда қолиб, илм билан шуғулланади.

Шаҳноза РОФИЕВА

Ажабланманг, янглишмадингиз. Мен айнан адабиётга одоб бегона-ми деб сўроқ беряман. Хулоса қилишга ёки ўзингизча муносабат билдиришга ҳам шошилманг. Сиз айтмоқчи бўлаётган: Адабиёт атамаси арабча "адаб" сўзининг кўплик шаклидир. "Адабиётшунослик" сўзи келиб чиқиш жиҳатдан "адабиёт" сўзига форсча "шунос" (яхши билиш, тайин этиш) феъли ва ўзбекча лик кўшимчасини қўшилишидан пайдо бўлган. "Шунос" феъли ўзбек тили тақозосига кўра, "шунос" шаклини олган деган гапларни мен ҳам мактабда ўқиб юрган вақтларимда жуда кўп эшитганман.



АДАБИЁТГА ОДОБ ЁТ...МИ?

Шунинг учун ҳам қўлга олган ҳар бир китобимдан қандайдир ҳаётий тажриба, руҳий тарбия олишни ўйлайман. Ўзимизнинг ёзувчилар томонидан ёзилган китоб бўладими ёки бошқа давлат ёзувчиларининг она тилимизга таржима қилинган асарлари бўладими фарқи йўқ. Улардаги воқеаларни бугунги кун билан боғлаб, узоқ-узоқ ҳаёл суриб, мушоҳада қиламан.

Сир эмаски, бугунги кунда ўқирмандан кўра ёзарманлар кўпайиб кетди. Чет тилини ўрганганига йил тўлмасдан таржимонлик билан шуғулланаётганлар ҳам бисёр. Албатта, бундан қувониш керак. Негаки, одамлар учун янги сўз айтаётган ҳамда қайси миллат вакили бўлмасин, ўзбекнинг дўпписи ва чопонини кийдириб, қўлига пахтакор пиёлада чой тутиб, миллий супа (сўри) ларимизга ўткизиб қўяётганлар сони ҳам анча кўпайиб қолди. Нимасини айтасиз, ўзбекдек танги ва одоб-ахлоқ қоидаларини ҳар нарсдан устун қўядиган халқнинг мутолаа қилишига муносиб адабиётни топиш осон иш эмас. Бу фикрга менимча ҳамма қўшилса керак.

Шу вақтга қадар устоз адибларимиз томонидан дўстлик мавзусидаги китоб бўладими, муҳаббат ёки уруш мавзусидаги адабиётлар бўладими ҳаммасида одоб қоидаларига қўпол равишда зид келадиган саҳналар бўлмаслиги кераклиги доимий равишда айтиб келинган. Ҳар бир жумла, ҳар бир сўз миллий минталитетимиздан келиб чиққан ҳолда танланган. Аммо бир-икки "таржимон"лар борки, буни эскилик саркити деб билади. Нима эмиш фақатгина "Ўткан кунлар", "Мехробдан чаён" таъсирида юравермай, қобикдан чиқиш, академик муҳитни яратиш керак эмиш. Улар айтаётган академик муҳит эса, ибод-ҳаё, ор-номус, андиша ва ғурур, умуман уят деган тушунчаларни бил-

масмиш. Ҳамма нарсани қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиш кераклигини бугун одамларнинг ўзи талаб қилапти. Шундай экан, энди нима учун буниси ёзса бўладиган мавзу, буниси ҳақида эса оғиз очиб бўлмайди деб танлаб ўтиришимиз керак дейишмоқда. Бундай олиб қарасангиз уларнинг сўзлари тўғридек кўринади. Би-

тегиб кўясиз, агарда таржима қилаётган тилингиздаги одамларга номақбул томонларини беркитмасангиз уларнинг нафсониятига тегиб кўясиз. Шундай нозик ишга қўл урар экансиз, ҳали кўп ўзбеклар нима эканлигини билмайдиган юқоридагидек иллатлар ҳақидаги ёзмашларни ёйиб нима қиласиз дегингиз келади. Ҳа,

ёки беш-ўн йиллик нарсаси эмаску. Узоқ йиллик тарих сақланади ахир уларда. Нима, ўзбек диёрига кириб улгурмаган бу сингари хунук қилиқларни таржима қилиб ёшларга таништирсак, уларнинг олди олинади-ми? Ундан кўра бу ҳақда гапирмаганимиз дуруст эмас-ми?

Болалигимизда катталар тилимиздан қандайдир номақбул гап чиққанини эшитишса, бу гапни иккинчи тилингга олма, ишинг бўлмасин ўзидан келиб, ўзидан кетсин яшамагурлар дейишарди. Бугун эса эшитмаганга ҳам эшиттириб, элга дoston қилиб, китоб ҳолида чоп этсак ярашадиган қилиқ бўлади-ми? Ахир, ижтимоий тармоқларда, интернет саҳифаларида ёлғон ахборотларни тарқатиш билан ўз обуначилари сонини оширишга, ҳеч қандай қиймати бўлмаган "лайк" йиғишга уринаётганларнинг бу тарздаги ҳаракатлари кимга фойда келтиряпти-ю, кимларга зарар? Тўғри, эътиборсизлик ҳам ярамайди. Аммо ўзимиз билмаган ҳолда ниманидир тарғиб қилиб қўймайлик. Нимагадир эришамиз деб катта йўқотишга дучор бўлмайлик.

Адабиёт ҳаётни севишни ўргатсин, одамгарчиликни, инсоний туйғуларни тараннум қилсин. Майли, хатолардан хулоса чиқаришни ўргатиб, соғлом турмуш тарзини ёйишга бел боғласин. Аммо йўқ жойдан бор қилиб, одамларни ҳайратлантириш менимча яхши эмас. Биз адабиётни эстетик завқ берадиган, ҳаётий тажрибаларни ўртоқлашадиган яқин ҳамроҳ деб биламиз. Унга "тиканак"лар ёпишиши мумкин эмас.

Қамолиддин РЎЗИМАТОВ

Қизиқ, бу "таржимон"ларнинг кўзлаган мақсади нима? Бу ишлар орқали нима ютадилар-у, нима ютқаздилар? Асл муддаолари ростдан ҳам ўшанақа ёмон одатларга қарши чиқиш, қоралашми? Майли, ундай-бундай гаплар деб ўзларига сув юқтирмай бир нима қилиб оқлаб олишар лекин билмаган ҳолатда ўша иллатларни реклама қилиб қўйишмаяпти-ми?

роқ бир-икки одам тушунгани билан ўша чет мамлакатлардагидек қарашларни ҳамма ҳам тўғри қабул қилади дегани эмаску.

Бир куни турк ёзувчилари томонидан ёзилган бадиий китобларни ўзбекчалаштираётган ёшгина йигит билан суҳбатлашиб қолдим. У турклар бизнинг ёзувчилардан кўра яхшироқ ёзиши, жамиятдаги иллатларни кўтаришдан ҳайикмасликларини оғзи тўлиб мақтарди.

– Туркларнинг шундай китоблар борки, педофиллар, инсестлар, зофилия гомосексуализм ҳақида очик-ошкора ёзилган. Бу китоблар мана шундай иллатларни дадиллик билан кўтариб, устидан кулади, қоралайди ва танқид қилади. Мен буларни ўзбек тилига таржима қилмоқчиман – дейди ёш таржимон.

Таржимонлик шундай маракаб ишки, агарда маълум адабиётни маҳорат билан ўз ҳолича таржима қилмасангиз бу китобни яратган халқнинг нафсониятига

фақатгина айтгингиз келади-ю айта олмайсиз. Боиси, бу янгилик эмас, ана ўзимизнинг ҳам қанчадан-қанча китобларимизда ҳам баччабозликлар ҳақида ёзилган, ҳеч бўлмаса, икки қаторида бўлса ҳам кистириб кетилган романлар, қиссалар бор деб оғзингизга урмоқчи бўлишарди. Кўзингиз қотганча, нима дейишни билмай, ўйлаиб қолаверасиз.

Қизиқ, бу "таржимон"ларнинг кўзлаган мақсади нима? Бу ишлар орқали нима ютадилар-у, нима ютқаздилар? Асл муддаолари ростдан ҳам ўшанақа ёмон одатларга қарши чиқиш, қоралашми? Майли, ундай-бундай гаплар деб ўзларига сув юқтирмай бир нима қилиб оқлаб олишар лекин билмаган ҳолатда ўша иллатларни реклама қилиб қўйишмаяпти-ми? Ахир китоб бир-икки



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг "Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш" мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.



(Боши 1-саҳифада)

Миллий ғоянинг асосий элементлари, дейлик, хусусиятларини турли кўринишларда оммага етказиш. Миш-мишлар ва юзаки шов-шувлар миллий ғоя тарғиботи учун ёт бўлган ҳолатлар ҳисобланади. Одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун уларни бирламчи, яъни ишончлилик даражаси юқори манбадан етказиш мақсадга мувофиқ. Бугунги технологиялар жадал кириб келган замонда Интернет ва ижтимоий тармоқлар миллий ғоя тарғиботида энг таъсирчан восита ҳисобланади.

Тарғиботнинг яширинлик даражасига кўра турлари мавжуд. Бунда ёт ғоя ва мафкуралардан сақланиш мақсадида медиа маҳсулотларига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, плакат ёки турли афишалар орқали тўғридан-тўғри ёт ғоялар тарғибот қилиш даври ўтди. Кўпинча, фильмлар, сериаллар, адабий асарлар ёки санъат маҳсулотлари орқали яширин тарғибот қилиш оммалашди. Биз истаймизми, йўқми, дунё ғоялар курашига айланиб улгурди. Бу ғояларга қарши тура оладиган ягона миллий ғоя эса давлатнинг мафкуравий кудратини намоён этади. Шунинг учун ёт ғоялар тарғиб этилган медиа маҳсулотларга нисбатан бефарқ қараб бўлмайди. Масалан, аксарият Голливуд фильмларида АКШнинг куч-қудрати ва сиёсий амбициялари яширин тарзда сингдирилади. Ўша фильмларнинг тагматнида “дунё ҳалокат ёқасига келиб қолганда америкалик суперқахрамонлар дунёни кутқаради”, деган ғоя яширинган бўлади.

Тарғибот муайян ҳаракатларни рағбатлантириш ёки аксинча, уларни ман қилишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Бу ғоялар курашининг бир қисми эканини асло унутмаслик лозим. Ўзбек менталитетига хос кадриятлар ва урф-одатларни, миллий анъаналарни сақлаб қолиш, бугунги глобализм шароитида турли вайронкор ғоялар ва оммавий маданият хуружларидан миллий ўзлиқни асраш долзарб вазирадир. Биринчидан, биз миллий кадриятлар ва анъаналар билан яшайдиган, миллий ўзлик тушунчасини яхши англаб етган миллатмиз. Иккинчидан, аждоқларимиз бизга бемисл маънавий мерос қолдириб кетишган. Уни асраш ва келгуси авлодга етказиш бизнинг маънавий бурчимиздир. Учинчидан, зиёлиларнинг ўз соҳасидаги барча дастурлаштирилган фаолияти мазкур миссияга хизмат қилмоғи лозим. Ҳатто спортчиларнинг жаҳон ареналаридаги оламшумул ютуқлари ҳам бу миссияга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилади.

Виртуал тарғибот воситалари

Тарғибот диққатни жалб қилиш ва мақсадли аудиторияни ўзига жалб қилиш учун турли воситалардан фойдаланади. Бу воситаларга қуйидагилар қиради: визуал ва аудио медиа, интернет, санъат ва адабиёт, тадбирлар. Мазкур воситалар орасида энг кучли таъсир кўрсатувчи жабҳа бу визуал ва аудио медиа ҳисобланади. Унга телевидение, радио, кино, сериаллар, ҳужжатли фильмлар, ижтимоий роликлар, кўшиқлар, реклама роликлари, кўшиқ клиплари, янгиликлар ва турли ток-шоулар қиради.

Интернет ҳам таъсирли восита бўлиб, унинг асосий соҳалари веб-сайтлар, бло-

глар, ижтимоий тармоқлар ҳисобланади. Яна бир муҳим восита санъат ва адабиёт намуналаридир. Уларга романлар, қиссалар, ҳикоялар, шеърлар, драмалар, суратлар, плакатлар, брошюралар, комикслар, газеталар, журналлар, спектакллар ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Ҳатто бугун ёшларни тобора ўзига жалб қилиб олган компьютер ўйинларида ҳам маълум маънода ғайри кучларнинг салбий тарғиботи бўлиши мумкинлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Чунки салбий ғоялар одатда яширин тарзда сингдирилади. Халқаро инсон ҳуқуқлари масаласи ўлароқ тақдим этилаётган, бизнинг менталитетимизга ёт бўлган жинсий озчиликлар ҳуқуқ ва эркинликлари тарғиботи бугун, афсуски, кўплаб адабий ва кино асарларига яширин тарзда сингдириб юборилмоқда. Шу тарздаги салбий тарғиботлардан ёшларнинг онгини асраш учун маънавиятни кенгрок тарғиб қилиш ҳар галгидан кўра аҳамиятлидир. Медиа майдонида бу каби ахборий ҳужумларнинг олдини қандай олиш мумкин? Бу табиий туғилдиган савол. Медиясаводхонлик бу масаланинг энг маъқул ечимидир. Мактабларда, олий ўқув юртларида медиасаводхонлик бўйича алоҳида дарс соатлари ажратилиши, оммавий ахборот воситалари, асосан телевидения орқали медиасаводхонликка бағишланган кўрсатувлар кўпроқ тайёрланиб, эфирга берилиши лозим деб ўйлаймиз.

Шу ўринда турк сериаллари орқали турк миллатида миллий ўзлик ва миллий ғурур туйғуларини шакллантирилганини эслаб ўтиш жоиз. Тарихдан унумли фойдаланиб, унинг асосида ишланган кенг қамровли тарихий сериаллар нафақат халқнинг ўзида, балки бутун дунёга турк миллатининг кудратли миллат сифатида намоён этишига муҳим восита бўлди. Америка Кўшма Штатлари ҳам Голливуд фильмлари орқали америка халқини дунё халоскори ўлароқ кўрсатишга уриниб келади. “Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мактайди”, дейди Абу Райҳон Беруний. Яширин ғоялар тарғиботининг хавфлилиги шунда. Бу тарғибот шу даражада усталик билан олиб бориладики, натижада унинг таъсирига тушиб қолган киши ҳар қандай факт билан юзма-юз келганда ҳам эшитганига ёки кўрганига ишонади. Бу каби тарғибот усули қисқа вақт давомида олиб борилмайди. У узок йиллик уринишлар маҳсули ҳисобланади.

Маънавият: виртуал тарғибот усуллари
Биринчидан, аждоқларимиз бизнинг фахримиз деймиз. Уларнинг номлари билан фахрланамиз. Амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотимиз хаминқадар, афсуски. Аждоқларимизнинг ғояларини жамиятга татбиқ этиш, ёшларни бу фикру ғоялар билан тўйинтириш миллат интеллектининг оммавий ўсишига хизмат қилади. Зеро маънавият тушунчаси ҳам буюк аждоқларимизнинг ёзган асарлари, айтган хикматларидан шаклланган. Аждоқларимизнинг ғоялари ва фикрларини ижтимоий тармоқларда кенгрок ёйиш, улар ҳақида креатив тарзда ҳужжатли фильмлар олиб, ёшларга кўпроқ кўрсатилиши ўз амалий натижасини беради. Масалан, чет эл тажрибасида миллатнинг буюк аждоқлари учун алоҳида сайтлар, тармоқларда маҳсу-

сахифалар яратилган. Бу сайт ва саҳифалар ўша машҳур шахнинг ижоди ва ғояларини креатив кўринишда тарғиб этади. Масалан, инглизларда Шекспир, немисларда Гёте, испанларда Сервантес, италянларда Данте ва бошқалар.

Иккинчидан, интернет платформаларида маънавий дунёқарашни оширишга, маънавият тарғиботида хизмат қиладиган медиа контентларни кўпайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Дам олиш вақтларида, кечки пайт кўпчилик одамлар кўнгило-чар қисқа видеолар (“вайн” деб аталади) кўришга одатланишган. Маъно-мазмунини енгил, фикр ёки мулоҳаза ташламайдиган қисқа видеолар ўрнини маърифий-маънавий мулоҳазаларга ундайдиган контент билан бойитиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, интернет сайтлари ва барча ижтимоий тармоқларга тарқатиш учун кучли таъсирга эга, замонавий мавзуда ва ёшларга мотивация бера оладиган ижтимоий роликлар сонини ошириш лозим. Инстаграм ва тикток тармоқлари учун видео ишлайдиган, кўп аудиторияли блогерларни айнан маънавий мавзуларни тайёрлашга ундаш орқали бошқаларни ҳам кизиштириш мумкин. Аммо муаммо пайдо бўладики, аввал ўша блогерларнинг маънавият ҳақидаги тушунчаларини оширишга тўғри келади. Тўртинчидан, интернетдан фойдаланиш этикасини юксалтириш лозим. Ёшларда интернет этикасини такомиллаштиришга қаратилган методик қўлланмалар, видеодарслар, аудио материаллар, кўргазмалар, куроллар, интеллектуал, ноанъанавий ва қизиқарли топшириқлар, ўқув луғатлари, тақдимотлар, электрон китоблар яратиш орқали ёшларда интернет этикасини такомиллаштиришга имкон берадиган мультимедиа дастурий маҳсулотлар базаси юзага келади.

Яқинда интернет фойдаланувчилари ўртасида сўровнома ўтказдик. “Сиз ҳар куни янгиликларни асосан қайси манбадан оласиз?” номли сўровномада 22 минг 500 киши қатнашди. Унга кўра, қатнашувчиларнинг 82 фоизи асосий янгиликларни интернетдан олиши маълум бўлди. 13 фоиз фойдаланувчи асосий ахборотни телевидениедан олар экан. Газетадан ахборот олувчилар 2 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, “Сиз кўпроқ интернетнинг қайси йўналишида ахборот оласиз?” деган сўровномада 11 минг 200 киши қатнашиб, иштирак этганларнинг 81 фоизи Telegram, 8 фоизи Google, 6 фоизи Facebook, 4 фоизи эса Instagram дея жавоб берган. Сўровномада қатнашганларнинг 25 фоизи 31-36 ёш орасидагилар, 23 фоизи 37-45, 18 фоизи 25-30, 14 фоизи 46-55, 13 фоизи эса 18-24 ёш оралигидаги кишиларни ташкил этди.

Шундан келиб чиқиб ҳулоса қиладиган бўлсак, миллий ғоя ва маънавият тарғиботини жойларда тадбирлар ўтказишдан кўра виртуал тарғибот орқали олиб бориш нисбатан самаралироқ усул деб биламиз. Замоннинг умумий манзараси бугун гаджетлар, компютерлар, интернет дастурлари каби турли технологиялар, сунъий интеллектлар билан намоён бўлмоқда. Шундай экан, тарғибот ишларида тадбирлар ўтказишдан кўра виртуал тарғиботга кўпроқ урғу бериш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Юқорида буни асослашга ҳаракат қилдик. Халқимиз жуда топиб айтган: “Агар замон сенга бокмаса, сен замонга бок”. Дунё ғоялар курашига тушган бир пайтда биз ўз миллий ғоямиз ва маънавиятимиз билан ёшларни турли ёт ғоя ва мафкураларга берилишидан муҳофаа қилишимиз зарур. Бу – айна давр талаби!

Камолитдин Тўраев,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтининг илмий ходими

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари
вазирлиги.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар

ҳаракати —
Ўзбекистон

Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон

Нодавлат ноижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон

Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир

Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-310

Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6



Ўткир акани илгари кўрмагандим. Ижоди билан сиртдан таниш эдимки, кўпроқ журналист сифатида танирдим.

Бемор йўқлаш савобу, лекин нокулай тарафи кўп. Биринчидан, касал одамнинг инжиқлиги бўлади, қолаверса... бир рухий ҳол борки... гўё йўқловчи саховатпеша, йўқлангучи шафқатталаб...ночорми, хуллас, қандайдир калгис асабият бўлади. Йўқ, бу сафар бошқача кечди. Ўткир ака ҳечам бетобга ўхшамасди. Ранги тоза, кайфияти соз, ҳатто касалхона кийими ҳам ярашиб турарди. Ҳижиллигим тарқади. Анвар аканинг серпайров кочиримларидан бир маза қилсам, Ўткир аканинг донишмандона сокин товуши ва салобатли фикрларидан кўша завқландим.

Кейинчалик, турфа феъл “шоир”ларга тўқнашганда, тутуруксиз тутумларидан қон бўлганда «зиёли шоир» таърифи қайта-қайта эсимга тушди. Кейинроқ яна англадимки, шоирликнинг нозик шартлари бўларкан: шеърига муаллиф ўхшаши керак экан!

Мана, бугун кўлимда устоз Ўткир Раҳматнинг «Дилроз» деб ном-

“Меҳрнинг иккинчи исми — сингил...”

Бундан йигирма йиллар нари-берисида устоз Анвар Обиджон “Ўткир Раҳмат дўстимиз шиғоҳонага тушиб қолти. Юринг, кўнгилад овлаб келамиз” деб қолди. Йўл-йўлакай Ўткир акани таърифлаб, жуда ҳалол, покиза, ҳақиқий зиёли шоир, кучли шахс деганда мен «Шоирларнинг ҳаммаси зиёли бўлмайди?» дегандек гап қилдим. Анвар ака бу луқмани шапшақликка йўйдими, миждозни чамалаган тикувчидек бош-оёғимни кўздан ўтказиб: «Кўрасиз ҳали...» — деб қўяқолди.

ланган тўртинчи сайланма жилди турибди. Салмоқли тўпламга устознинг кейинги йиллардаги ижод намуналари киритилган. Чиганоқ дурга айланиши учун ҳам маълум вақт зарур. Фикр ва туйғу рост келиб, мия чиганоғида марваридга дўнишига ҳам ҳаётнинг тажриба шарт. Йўқса, ашъор баландпарвоз, юракдан йирок, дуварак олмадай бўпқолади. Ўткир ака шеърларида ҳаётнинг чучугидан кўра аччиғига кўпроқ дуч келган ва оқил хулоса чиқарган доно файласуф нигоҳини кўраман. Номард, нонкўр, соткин, игвогар каби пасткаш нусхалар шоир қалбига қанча тиг урмасин, у матонат билан бардош беради, ўч олишни ҳаёлига келтирмайди, лаънатламайди, аксинча, ғанимга инсоф тилайди, яхшилик соғинади. Аммо... у нобакор бу некбинликни кошки тушунса! Ахир унинг тоифаси бошқа, лойи ўзга ердан олинган. Боз устига ўша нонтепки яқин одамнинг, меҳринг тушган шогирдинг бўлса-чи? Шоир юраги бу юк забтидан анордек эзилди:

«Бировлардек турланмаса, рўпарангда ўзи бўлса...» Қани ўзи? Йўқ, у асл қиёфасини йўқотиб бўлган,

иблисга қўл бериб этагини қўшқўл тутган...«Кўринганингдек бўл!» дейди Мавлоно Румий. Афсуски...бу кўҳна савдо...

Ўткир аканинг шеърларида ўзбекнинг феъли, тили ва дили ойдин кўринади. Ифода халқ кўшиқлари каби равон, дostonлари дарёларимиздек ёйик, сокин ва улуғвор.

«Гулу бинафшани қучади офтоб,
Ҳатто илтиади қушлар инини...»

Сиз куёш қуш инига мўралашини ўйлаб кўрганмисиз? Қанчалар олижаноблик, одамийлик, шафқату меҳр бор бу сатрда! Ахир қушлар ҳам Аллоҳнинг яратиги, улардаям оғрийдиган жон бор, бола-чақа ташвиши - тирикчилиги бор. Асосийси, қушу қуртлар ҳам шу дунёнинг беағи, ҳаётимизнинг бир бўлаги, сайёрамиз вакиллари дур. Офтоб қуш уясини илтиши инсониятга буюк сабоқ! Шоир “Эй, одам боласи! Қуёшдан ибрат ол! Бир-бирининг кўнглинга меҳр тафтини бер, шундагина кўнгилад исийди!” деб бонг уряпти. Айниқса, силайи раҳмини унутмаслик керак. Ҳар биримизда қондошларимизнинг мерос ҳақи бор.

Шунинг учун шоир “Меҳрнинг

иккинчи исми - сингил...” деб лутф қилади.

Устоз табиатга табиатан яқин инсон эмасми, борлиқ ҳодисаларини маҳорат билан қаламга тортадики, тасвир тиниқ, жозибали, таъсирчан тус олади.

«Ғира-шира шомдан сўнг
Босқинчи - қоронгулик
Кўздан панага олар
Қанча йиртиқ-ямоқни...»

Тушундингиз а? Изоҳга ҳожат йўқ!

«Йўл» балладасини ўқир чоғим ўзим ўйлаган, лекин идроким етинқирамаган ҳикматлар топдим:

«Ҳаёт - йўл, коинот ҳам йўл...»

Дўстларим, биз йўл деганда оёқ остига тўшалган турли кўринишдаги моддиятни тушунмаймизми? Йўл фақат горизонтал бўлади деб ўйламаймизми? Демак, сен қай томон отлансанг ва қай манзилга чоғинг келса, ўша йўл эканда! Демак одам ўз йўлини ўзи яратарканда! Шеърят тасвиргина эмас, асли ҳикматдир дегани шу.

Устознинг таржималариям ўзига хос ҳассослик ҳамда маҳорат намунаси.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўткир РАҲМАТ

Бир замонлар...

Бир замонлар сахий қуёш бўлдим мен,
Замину самонинг бошидаги тоғ.
Баъзи кўнгиладларга шундай тўлдим мен,
Баъзи кўнгиладларда сўндим, наилож...

Тупроққа айландим, дедим, о, наҳот,
Энди ҳаёт йўлим қолар азобда...
Бағримдан ўтгайдир нолиниб бот-бот,
Ким манглайин босиб, ким эса топтаб.

Денгизга айландим, завқу шавққа эш,
Замондан олдим сўнг озроқ улғуни.
Довул, бўронларим тўхтамади ҳеч,
Ўргатдим кўнларга тошмоқ илмини.

Гоҳо бўлдим мунчоқ — кўз қорачиги,
Гоҳо тепиб ўтди мени ул ғаним.
Шундайин ёдимда қолди, очиги,
Жимликка айланиб — тош бўлган дамим.

Шохларимда сархил мевалар битди,
Четда қолгани йўқ саргаймоқ, сўлмоқ.
Умримга ўзгача маъно баҳи этди —
Кўркем боғлар аро дарахтга дўнмоқ.

...Ва, мана, булбулман, қара, ёниқман,
Оловли қўшиқлар кўксимга ботар.
Саҳарлар куйласам, қўшигим билан,
Муқаддас эзгулик тонглари отар...

Кўнгилад монолоғи

Киши билан суҳбат қурсанг
Унинг айтар сўзи бўлса,
Бировлардек турланмаса
Рўпарангда ўзи бўлса.

Нигоҳига чўкиб тамом,
Меҳр майин сипқорсанг, бас,
Кўнгилад мулки томон имлаб,
Чорлагувчи кўзи бўлса.

Ҳаёт йўли ўнқир-чўнқир,
Кимларга дуч этмас тақдир,
Учрашганда нур сочувчи
Офтоб мисол юзи бўлса.

Ҳикмат айтмоқ саодати
Ҳар кимга ҳам этсин насиб,
Тунни тонгга улаб берган
Маъно-мантиқ, тузи бўлса.

Фалак тезкор, ўтар даврон,
Айланади фаслар ҳам,
Сирлашасан дилдош билан
Умринг ёзи, кузи бўлса.

Дунё сирин очса буткул,
Бир кафтдайин қилиб тутса,
Оқил эрса суҳбатдошинг,
Сўзи ифқат қизи бўлса.

Эслаганда ёниб ҳар гал
“Улуғ эди”, десанг тинмай,
Юрагинга унақи этган
Унутилмас изи бўлса...

Тоглар мағрур, олмас ўзига,
Не қилгилик қилса ҳам осмон.
Тик боқади кўкнинг кўзига,
Бор вужуди оқар у томон,

Суворийдек булутлар босиб,
Ўқиради бирдан қалдироқ.
Қораяди қовоғин осиб,
Йиғлай олмас гоҳида бироқ.

Елкасини тик тутар қоя,
Илк томчининг тушар зарбаси.
Метиндек тош қотган киноя,
Писанд эмас ёмғир зардаси.

Ўқиради даралар бирдан,
Қучоқда не пишқирар тинсиз.
Ўт-ўланлар балки ҳузурдан,
Ҳансирамай тинглайди унсиз.

Кимга дард бу, кимгадир нидо,
Наъралари тугамас, ахир.
Селдай оққан кўзёш — алвидо,
Ҳайр энди, бўлгунча зоҳир.

Тошдай қотган ҳайратлар хорманг,
Кўпиклар ирмоқлар ҳамон.
Соғинаман, бир умр зорман,
Тоглар мағрур, бор бўлсин осмон.